



УРУҒ ЭКИШ МУДДАТЛАРИНИ КУЗГИ ЮМШОҚ БУҒДОЙНИНГ ДОН ТЕХНОЛОГИК СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

Эгамов Илхомжон Урайимжонович

Қишлоқ Хўжалиги Фанлари Номзоди, Катта Илмий
Ходим

Муминов Абдували Акбаралиевич

Доктор Философии С/Х Наук, (Phd)

Абдуганиева Мушарраф Хабибулло Кизи

Магистр

Таджибаев Нодир Қулдашев

Магистр

Юлдашев Илёр Ахмаджонович

Илмий Ходим

Дон Ва Дуккакли Экинлар Илмий Тадқиқот Институтини
Ўзбекистон Республикаси, Андижон Вилояти, Андижон
Тумани, С.Рахимов Кўчаси

Андижон Қишлоқ Хўжалиги Ва Агротехнологиялар
Институтини Ўзбекистон Республикаси, Андижон Вилояти,
Андижон Тумани, Куйганёр Шаҳарчаси, Олийгоҳ Кўчаси
1 Уй, 170600

Аннотация:

Мақолада кузги юмшоқ буғдой навларининг дон технологик сифат кўрсаткичларига экиш муддатларини таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари келтирилган. Уруғларни мақбул муддатларда экилса дон сифати I гуруҳга мансуб ҳосил олиниши аниқланган.

Қалит Сўз:

Ўсимлик, кузги буғдой, нав, экиш муддати, ўсиш, ривожланиш, клейковина, сифат, ҳосилдорлик.

Қириш.

Республикамизнинг қишлоқ хўжалик тизимида иқтисодий ислохотларни тубдан ўзгартирилиши қишлоқ хўжалик экинлари маҳсулотларини кўпайтириш ва ундан олинган даромадларни оширилишига замин яратилмоқда.

Кейинги йилларда республикада дон ҳосили берадиган бошоқли дон экинлари янги навларини яратиш, уларнинг уруғчилигини ташкил этиш ва етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот ишлари кучайтирилди.

Мамлакатда ғалла мустақилигини мустаҳкамлаш, аҳолининг дон ва дон маҳсулотларга бўлган эhtiёжини тўлиқ қондириш учун буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун тупроқ ва иқлим шароитларига мос навларни яратиш ва уларни етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш ҳамда уруғчилик тизимини йўлга қўйиш орқали бу борада катта ютуқларга эришиш мумкин.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Буғдой етиштириш агротехнологиясининг энг муҳим таркибий қисми кузги буғдой навларини энг мақбул муддатларини ҳар бир минтақа тупроқ-иклим шароитларида ҳар бир нав учун тўғри белгилашдан иборат. Илмий асосланган экиш муддатларига амал қилиш ғалладан мўл ва сифатли ҳосил олишнинг энг асосий омилларидан биридир.

Экиш муддатларини белгилашда навларнинг биологик хусусиятларини, экиладиган минтақаларнинг тупроқ-иклим шароитларини ва бошқа омилларини ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга. Кузги буғдой навларини экиш муддатларини эрта ёки кеч ўтказилиши дон ҳосили ва унинг сифатига салбий таъсир кўрсатиши тажрибаларда аниқланган.

Кузги буғдой навларини эрта муддатларда экилганда қишгача буғдойнинг пояси керагидан ортиқча ўсиб кетади, совуққа чидамлилиги кескин камаяди, аксинча кечки муддатларда экилганда эса ғалла майсалари қишгача тулланишга улгура олмайди. Бундай ҳолларда тулланиш баҳорда ўтади, баҳорда ҳосил бўлган пояларнинг маҳсулдорлиги куздаги пояларникига нисбатан паст бўлади.

Тадқиқот мақсади: Кузги юмшоқ буғдойнинг Нодир ва Қадр навларининг экиш муддатларини ўрганиш, навларни ривожланиш фенологиясини олиб бориш, муддатлар бўйича экилганда навларнинг биометрик кўрсаткичларини баҳолаш, етиштириш агротехникасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижалари: Дала тажрибаси Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг марказий тажриба участкасида 2019-2020 йилларда кузги юмшоқ буғдойнинг маҳаллий Нодир ва Қадр навларини 4 хил уруғ экиш муддатлари (15.09.19 й; 1.10.19 й; 15.10.19 й; 1.11.19 й) ва бир хил 5 млн. дона унувчан уруғ экиш меъёрида услубият асосида СН-16 дон экиш селекцион селкасида уруғларни экиб дала тажрибаси қўйилиб илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Дала тажриба майдонидаги фенологик кузатув, ҳисобга олиш ишлари Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институти, Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган услубий қўлланмалар асосида олиб борилди.

Дала тажрибасида кузги юмшоқ буғдойнинг Нодир ва Қадр навларини дон технологик сифат кўрсаткичларига уруғларни экиш муддатларини таъсири ўрганилди.

Келтирилган 1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ўтказилган дала тажрибасида уруғ экиш меъёри 5 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида кузги юмшоқ буғдойнинг Нодир навини 15 сентябрда экилган муддатда етиштирилган доннинг дон технологик сифат кўрсаткичи, яъни дон натураси 825 г/л бўлгани холда клейковина миқдори 31,0 фоиз бўлиб, унинг сифати I гурупага мансублиги аниқланди. 1 октябрда экилган муддатда дон натураси 810 г/л, клейковина миқдори 30,0 фоиз бўлиб, унинг ҳам сифати I гурупага тўғри келди. Шу навни 15 октябрда экилган муддатда дон натураси 800 г/л, клейковина миқдори 25,0 фоиз бўлиб, унинг сифати III гурупага, 1 ноябрда экилган муддатда дон натураси 790 г/л, клейковина миқдори 25,0 фоиз бўлиб, унинг сифати III гурупага мансуб бўлганлиги ўтказилган лаборатория таҳлиллари натижасида аниқланди.

Тажриба майдонидаги уруғ экиш меъёри 5 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида кузги юмшоқ буғдойнинг Қадр навини 15 сентябрда экилган муддатда етиштирилган доннинг дон технологик сифат кўрсаткичлари дон натураси 800 г/л бўлгани холда клейковина миқдори 28,0 фоиз бўлиб, унинг сифати II гурупага мансублиги аниқланди. 1 октябрда экилган муддатда дон натураси 810 г/л, клейковина миқдори 32,0 фоиз бўлиб, унинг сифати I гурупага тўғри келди. 15 октябрда экилган муддатда дон натураси 820 г/л, клейковина миқдори 30,0 фоиз бўлиб, унинг ҳам сифати I гурупага, 1 ноябрда экилган муддатда эса дон натураси 820 г/л бўлгани холда клейковина миқдори 26,0 фоиз бўлиб,

унинг сифати III гуруҳга мансуб эканлиги ўтказилган лаборатория таҳлилларида аниқланди.

1-жадвал

Экиш муддатларини кузги юмшоқ буғдой навларининг дон технологик сифат кўрсаткичларига таъсири.

№	Навнинг номи	Экиш муддати, сана	Дон натур аси, г/л	Шаффоф лиги, %	Клейко вина миқдори, %	ИДК кўрсаткичи	Группаси
1	Нодир	15.09.19 й	825	60	31,0	80	I
		01.10.19 й	810	54,5	30.0	75,5	I
		15.10.19 й	800	55,0	25.0	105	III
		01.11.19 й	790	60	25.0	105	III
2	Қадр	15.09.19 й	800	60	28,0	95,5	II
		01.10.19 й	810	65	32.0	80	I
		15.10.19 й	820	57	30,0	80	I
		01.11.19 й	820	60	26.0	105	III

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида кузги юмшоқ буғдойнинг Нодир навининг уруғ экиш меъёри 5 млн. дона ҳисобида экиш муддати 15 сентябр ва 1 октябр бўлганда етиштирилган доннинг дон технологик сифат кўрсаткичлари энг юқори бўлиб, ҳар икки муддатда ҳам I гуруҳга мансуб дон ҳосили олишга эришилди. Кузги юмшоқ буғдойнинг Қадр навининг уруғ экиш меъёри 5 млн. дона ҳисобида 1 ва 15 октябрда экилган муддатларда етиштирилган доннинг дон технологик сифат кўрсаткичлари энг юқори бўлгани ҳолда I гуруҳга мансублиги аниқланди.

Хулоса: Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, кузги юмшоқ буғдойнинг 5 млн. дона уруғ экиш меъёрида Нодир навини 15 сентябрдан 1 октябрга қадар, Қадр навини эса 1 октябрдан 15 октябргача муддатларда экилганда улардан энг сифатли дон ҳосили олишга эришилиши мумкинлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. С.Турсунов, Н.Тешабоев, С.Акбарова “Кузги буғдойни экиш муддатларини ҳамда уруғ экиш меъёрини белгилаш”. Агро илм журнали, Тошкент. 2011 йил, №2 22 бет
2. С.Турсунов, С.Акбаров “Уруғ экиш муддатларининг кузги буғдой навлари ҳосилдорлигига таъсири”. Тошкент. Агро илм журнали. 2012 й. №2(22). 27 бет.
3. Р.Сиддиқов, С.Тулєпов “Ғаллани мақбул муддатларда экиш” Ўзбекистон кишлок хўжалиги журнали. Тошкент 2012 й. № 9. 7-8 бет.
4. Р.Сиддиқов, А.Мўминов, Ш.Рахмонов “Кузги юмшоқ буғдой навларини экиш муддатлари ва меъёрларини ҳосилдорлик ҳамда технологик сифат кўрсаткичларига таъсири”. Ўзбекистоннинг жанубий худдудларида бошокли дон экинлари селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияларининг ҳолати ва ривожлантириш истикболлари.Халқаро илмий-амалий конференция. Қарши. 14-15 май 2018 йил. 158-161 бет.